



КАМОЛИДДИН РАХИМОВ

Х.Юлдашева

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Наманган шахрининг Сардоба даҳасида дунёга келиб, нафақат овози ва сози, балки ахлоқ-одоби билан эл ардоғига сазовор бўлган ҳофиз Камолиддин Раҳимов миллатимизнинг буюк ҳофизлари қаторидан ўрин олди. Комилжон Отаниёзов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодировдан кейин Камолиддин Раҳимов. Бу эътироф Ўзбекистон халқ ҳофизи Қобилжон Юсуповники. Ҳофиз бу мақомга осонгина эришгани йўқ санъат йўлининг сермашаққат давонларини сабр бардош билан босиб ўтди. Истеъдодли ҳофиз 1983 йили “Ўзбекистон халқ артисти”, 1999 йили эса у “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланди.

Тан олиб айтиш керак Камолиддин Раҳимовнинг ҳар бир ашуласи халқ кўнглидан чуқур ўрин эгаллаган эди. “Кўчамдан жанон ўтганда”ни эслайсизими? “Айтишим шартмиди” ё “Наргиз”ними, “Кетаман”, “Ажаб жанонаси”, “Қошингаўсма қўйиб”ни ёки “Ўн саккизда ёр ёши”, “Турналар”, “Тушди савдойи муҳаббат бошим”ними, ҳаммаси аллақачон мухлисларга ёд бўлиб кетган. Шуниси диққатга сазоворки, у замонавий кўшиқлар билан биргаликда “Ушшоқ”, “Гиря”, “Галдир”, “Баёт”, “Куйгай”, “Ўртар”, “Наманган тановари” сингари мумтоз ашулаларини ҳам ўзига услубда ижро этган. Айниқса унинг Навоий, Бобур, Машраб, Махтумқули ва Чустий ғазаллари асосида яратилган ашулалари кўп йиллик ижодий изланишлар маҳсули ҳисобланади. Ҳофиз истеъдодининг яна бир қирраси, унинг созни маҳорат билан чертишида кўзга ташланади. Торни ўз овозига, услубига мос равишда чалишини радиога эшитган ҳар бир мухлис уни тинглаб “Камолиддин” деб қўйиши ҳам шундандир.

Камолиддин Раҳимов устоз кўрган шогирд эди. У аввалига Ваҳобжон Абдуллаев, Саидхўжа Холдорхўжаев, Абдурашид Воҳидов, Жамолиддин Холиқов, Маҳмуджон Исомиддиновлардан сабоқ олган бўлса, кейинчалик Фаттоҳон Мамадалиев, Ғуломжон Ҳожиқулов, Расулқори ва Комилжон Баратовларнинг хонишларини тинглаб ўзига сингдирган. -“*Бўш қолдим дегунча катта ашулачилик йўлига асос солган, уни халқ орасига олиб кирган устозлар Болтабой Ҳофиз, Маматбува, Эрка қори, Жўрахон Султоновларни қайта-қайта эшитардим*” - деган эди ҳофиз.



Ҳофизимизнинг яна бир диққатга сазовор томони шундаи у санъатни мукаддас даргоҳ деб биладиган, сахнани ҳис қиладиган, сахнада ўзини тутиш маданияти, ҳаракатлар, либос ва пардозни чуқур тушунадиган ижодкор. Чунки у Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят драма ва комедия театрида актёр бўлиб ишлаган. “Лайли ва Мажнун” спектаклида Домла, “Анвар ила Раъно” мусиқали драмасида Қобил, “Бой ила хизматчи”да Холмат, “Сеҳрли узук”да Камбағал, “Қароқчиларда” Гримм сингари қатор рўлларни ижро этган. Каримжон Йўлдошев, Маматхон АСқаров, Эркин Қораханов каби тажрибали режисёрлар билан ҳамкорлик қилган, устозлардан кўп нарса ўрганган, актёрлар тили билан айтганда сахна чангини ютган санъаткор эди.

Эркин Рўзиматов, Абдулла Шомуродов, Ҳомиджон Маллабаев, Боқижон Сатторов, ИСокжон Жўрахонов, Баҳодир Бакиров, Нуриддин Асқаров, Зухриддин Ражабов, Абдуқаҳҳор Шарипов, Олимжон Абдурахмонов, Абдулмажидхон Устабоев, Муҳаммаджон Нуриддинов, Дилфуза Қодирова, Холисхон Турсунова сингари ўнлаб хонандалар ҳофизнинг шоғирдларидир.

Ҳофиз охириги икки йилда бора пойтахтда концерт дастурини халққа тақдим этди. Унинг дастурида “Бир гўзал япроқ узилди, барча киши акрабою ҳам кадрдон йиғлади” мисралари билан бошланадиган А.Дехқонов шеъри кўшиғини куйлаганда сахна бир қалқиб кетгандай бўлган эди. Улуғ ёшда йигирмадан зиёд кўшиқни жонли ижрода куйлаш минглаб санъат ишқибозларига чексиз ҳурмати, санъатга бўлган фидойилиги ва садоқатидан десак адашмаймиз.

... Парда очилди. Сахнага камтарона кийинган Камолиддин Раҳимов созандалари билан чиқиб келади. У ҳатто кўлига микрофон олиб томошабинларга қарата бирор сўз ҳам демади. Тавозе билан кўлини кўксига қўйиб таъзим қилдида, бирин-кетин кўшиқлар гулдастасини тухфа эта бошлади. Кўшиқлар мавзуси ранг баранг. Унда юксак тараннуми, инсонийликка даъват бор. Айниқса қалблардан чуқур жой олган “Наргиз” кўшиғи янграганда қарсақ устига қарсақ ёғилади.

Концерт ниҳоясига етди. Ҳофиз уни севган ардоқлаган санъатнинг чин шайдоси бўлган сахнанитарк этди. Бу унинг сахна кўшиқлари, мухлислари билан видолашуви, хайрлашув кечаси эканлиги кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Ҳофиз табиатидаги вазминлик, камтаринлик, оддийликни на шон-шухрат, на олқишлар таъсир этолмаган. Санъатни тақдири деб, Яратганинг инояти, қолаверса, ўзининг бурчи ва вазифаси деб тушунган шахсгина шундай йўллардан боради.



Камолиддин ҳофиздан кўплаб куй-қўшиқлар, қобил фарзандлар, набиралар, шогирдлар қолди. Ҳофизнинг дилтортар хонишлари ҳали шогирдлар тилида янграйди. Келгуси авлодлар бу маънавий хазинадан узок йиллар баҳраманд бўладилар.

АДАБИЁТЛАР

- 1.Мозиедан садо илмий-амалий,маънавий-марифий журнал 4.(68).2015 йил сони.
- 2.Санат журнал.2/2013 йил сони.
- 3.Санат Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 1/2018 йил №78
- 4.Тамаддун Тарихимизни ўрганамиз 6-сон 2023 й
- 5.Наманган садоси газета 3 сони апрель.